

# Бир суткада 10 минг қадам юрган фуқароларга пул тўланади — президент фармони

«Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» президент фармони қабул қилинди.

Фармон асосида «Соғлом турмуш тарзи» ([www.1hls.uz](http://www.1hls.uz)) платформаси [ишлаб чиқилади](#) деб хабар бермоқда [kun.uz](http://kun.uz) сайти

Бунда:

- Ўзбекистон ҳудудида бир сутка давомида **ўн минг ва ундан ортиқ қадам** юрган 18 ва ундан юқори ёшдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг платформадаги электрон ҳамёнига **3 минг сўмдан**;
- ҳар ойда ҳар бир туман (шаҳар) бўйича энг кўп юрган шахсга **300 минг сўмдан**, ҳар бир ҳудуд бўйича энг кўп юрган шахсга **500 минг сўм**, республика бўйича энг кўп юрган шахсга **1 млн сўм** қўшимча равишда платформадаги электрон ҳамёнига ўтказилади.

«Соғлом турмуш тарзи» платформаси **2021 йил 1 мартга** қадар ишлаб чиқилади.

Оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда **юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол, «Workout»** (маҳалла ва кўча фитнеси) спортнинг устувор турлари этиб белгиланди:

- Ушбу спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили **104 млрд сўмдан ажратилади.**
- Жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган дастурларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили **10 млрд сўмдан** маблағлар ажратилади.